Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 102 (21. 201) 1992 йил 23 май, шанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Андижон вилоятининг ер силкиниши рўй берган Пахтаобод, Избоскан районларида бўлиб, меҳнат аҳли билан учрашувда бундай деди: «Вазмин бўлайлик, осойишталикни сақлайлик, зиммадаги юмушларни сидқидилдан бажарайлик. Биринчи навбатда касалхона, боғчаларни тартибга келтириб, қарилар, ногиронларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. ХАЛҚ БИЛАН БИРГА БЎЛИБ, УЛАР ДАРДИНИ ЎЗИМИЗНИНГ ДАРДИМИЗ ДЕБ БИЛИБ, БУТУН КУЧИМИЗНИ САРФЛАШИМИЗ КЕРАК».

● Чиндан ҳам республикамиз раҳбарияти меҳнаткашларни табиий офат билан юзма-юз, яққама-якка қолдирмаяпти. Уларга техника, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат, уруғлик чигит етказиб берияпти. Имкони борича қурилиш материаллари ҳам жўнатилаётир.

● Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз бўйича табиий офатдан кўрилган зарар миқдори 2,5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил қилади. Давлат суғурта бош бошқармаси маълумотларига кўра фуқаролардан зарар кўрганлиги тўғрисида 47 мингдан зиёд ариза тушган.

● Ҳозиргача республика суғурта бош бошқармаси идоралари одамларга 11 миллион сўмдан знёд суғурта ҳақи тўлади. Андижонликларга эса республика ҳазинасидан миллионлаб сўм ёрдам пули ажратилди. Жабр кўрган ҳар бир хонадонга 500 сўмдан пул берилди. Айни пайтда аҳолидан, хўжаликлардан, бошқа ташкилотлардан жойлардаги суғурта идоралари аризалар қабул қилишни давом эттиришяпти.

Арнасой районидаги Тимошенко номли давлат хўжалигининг «Самарқанд» ширкати деҳқонлари 165 гектар майдонга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Шу кунларда ғўзаларга сифатли ишлов беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: ширкат бошлиғи Фароғат Шомуродова, механизатор Матназар Остонов ва звено бошлиғи Исобек Пирримқуловлар билан. Унгда эса ғўзага ишлов бериш пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ҒАЛЛА ЎРИЛЯПТИ

Қушлар кун ҳисобидан адашмайди. Сурхондарёга турналар учуб келди. Каклик ётди.

Зироат ҳам кундан адашмайди. Баҳор минг салқин келмасин савр ойининг охирида республиканинг жанубида арпа пишди. Демак, билингки, ғалла ўрими бошланди.

Бу хайрли ишга биринчи бўлиб Ангор районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги аъзолари киришдилар. Хўжаликда 180 гектар майдонда ғалла етиштириляпти. 40 гектар майдондаги арпа пишиб етилди. Холбўта Сувонов бошлиқ бригададаги 6 гектар арпани хўжалик комбайнчилари бир кунда ўриб донини янчиб олдилар. Чўли Худойбердиев, Жаббор Тошпўлатов, Рустам Умаров, Шер Ҳайитов каби комбайнчилар ўша куннинг ўзидаёқ бошқа бригадалардаги арпани ўриб-йиғиб олишга ўтдилар. Вилоятнинг бошқа хўжаликларида ҳам ғалла ўрим-йиғимига киришилди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Шу сонга*

ПИЛЛА ТАРОЗИГА ТУШДИ

Олтинкўл районининг Сайфиддин Ашуров номидаги жамоа хўжалиги «кумуш тола» ижодкори Тоҳирахон Маллабоева Андижон вилоятида биринчи бўлиб пилла топшириш мавсумини бошлаб берди. Моҳир пиллакор икки қути қурт уруғининг ҳар биридан режадаги 60 килограмм ўрнига 83 килограмм уруғлик пилла етиштирди. Хўжалик пиллакорлари мавсумда давлатга 37,5 тонна пилла топшириш ниятида. Шундан 13,2 тоннаси уруғлик пилла бўлади.

(ЎзА).

КАЙФИЯТ ЯХШИ

Хўжайли районидаги кўп тармоқли «Тошкент» давлат хўжалиги пахтакорлари табиий офатдан катта зарар кўрдилар. Апрель ойининг ўрталаридаги ёмғир, иккинчи-учинчи май кунларидаги совуқ энди униб чиққан ниҳолларни уриб кетгани оздек, 16 майдаги кучли селёмғирни айтмайсизми? Шу куни ёққан сел бир йиллик нормадагидан ҳам ошиб кетди. 2870 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари сув тагида қолди. Шу заҳоти район раҳбарлари хўжаликнинг кекса пахтакорлари билан бамаслаҳат иш кўриб, биринчи навбатда қарталардаги сувларни корректорларга, ариқларга қочиришга киришдилар. Тупроғи юмшоқ, қумоқ ерлардаги ниҳолларнинг тупларни юмшатишга, юмшатилган майдонлардаги ниҳолларни дарҳол органик ўғитлар билан озиқлантиришга киришдилар.

— Пахтакорларимиз табиат инжиқликларидан чўчиётганлари йўқ, — дейди давлат хўжалиги директори Бербой оға Қурбонов. — Уларга минг бор ташаккур. Илгариги йилларда ҳам бундан ҳам қийин йиллар кўп бўлган. Биз бу-ларнинг ҳаммасига бардош беришимиз керак. Одамларимиз кайфияти яхши. Меҳнатга ихлоси, қизиқиши яна ҳам яхши. Зарарланган 1600 гектардан кўпроқ майдонга қайта чигит экиш ёппасига бошлаб юборилди. Бугун-эрта бу ишни тугатамиз. Қайта экилган майдонларда чигит уч-тўрт кунда униб чиқмоқда. Ишбилармон, тадбиркор пахтакорларимиз шу кеча-кундузда ҳар бир туп ниҳолни асраб-авайлаб парвариш қилишда агротехника қоидаларига амал қилаётирлар.

Суҳбатимизга бригада бошлиғи Ж. Дўстпанов қўшилди:

— Начора, қийинчиликлар бўлаверади, — деди у. — 140 гектар майдондаги ниҳолларимиз зарарланди. Шундан 60 гектар майдонга қайта чигит экдик. Экишни бор-йўғи уч иш кунида ўтказдик. Униб чиққан ниҳолларнинг ривожланиши яхши. Шу кеча-кундузда гектаридан камида 25 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилиб, ғўза парваришини кучайтириб юбордик.

— Хўжаликдаги ҳамма экинлар шикастланибди. Қайта экиш боис ортиқча харажатлар ҳам кўп бўлгандир?

— Тўғри. Ортиқча харажатлар кўп бўлди, — деди хўжалик бош ҳисобчиси Қиличбек Сейтниёзов. — Айрим бўлим ва бригадаларда чигит иккиуч марта қайта экилди. Уларга қанча ишчи кучи, қанча техника кучи, қанча эҳтиёт қисмлар, қанча ёнилғи-мойлаш материаллари ишлатилди?! Шуларнинг ўзидан хўжалигимиз 3 миллион 258 минг 877 сўм зарар кўрди. Эндиги вазифамиз сарф-харажатларни камайтириб, ҳосилдорликни кўтариш.

Давлат хўжалиги бош инженери Н. Қурбонов бундай деди:

— Механизаторларимиз ғайрат-шижоат кўрсатиб ишладилар. Шу кеча-кундузда ниҳолларни тўла-тўкис, соғлом олиб қолишда ва уларнинг ривожланишини таъминлашда культиваторлар гуруҳ усулида ишламоқда. Культиваторларнинг бу усулда ишлатилиши ниҳолларнинг тагини юмшатишда, озиқлантиришда, унинг сифатини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Узларига бириктирилган техникалардан унумли фойдаланган, эҳтиёт қисмлардан, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қолишга эришган механизаторлар пул мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Бу йилги қийин шароитда хўжалик бўйича камида 7 минг тонна пахта етиштиришни таъминлаш учун барча ишга яроқли кишилар ниҳолларнинг тупларини юмшатишда, озиқлантиришда қатнашмоқдалар. Одамларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига, уларни иссиқ овқат билан таъминлашга эътибор бериляпти.

Ҳар гектар майдонга юз килограммдан селитра, 300 килограмм органик ўғит берилаётир. А. Сейтниёзов, Т. Жамолов, М. Пиримбетов, С. Давлатов каби механизаторлар кунлик нормаларни 110-115 фоиздан адо этмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭРТАНГИ КУН БАРАКАТИ

● Довул турди, жала қўйди ҳатто ер яхлади. Тоғли районларда қор ҳам ёғди. Гуллаган боғлар, ям-яшил пахтазорлар ва сабзавот далаларига катта зиён етди. Анчагина озуқа экинлари ҳамда ғаллазорлар, узум ҳосили нобуд бўлди.

Хўш, табиатнинг бундай ноқулай келиши кутилмаган ҳол эдими? Аслида об-ҳаво камдан-кам ҳоллардагина деҳқон меҳнатига бакор келган. Бироқ бу йилги об-ҳаво ўзгаришлари ҳақида деҳқонлар олдиндан хабар топганларида нобудгарчиликлар бунчалик кўп бўлмасди. Бу борада об-ҳавони кузатиш марказидагилар вақтида маълумот берсалар кўнгилдагидек иш бўларди. Афсуски, бундай бўлмади. Об-ҳаво маълумотлари эндигина рўзномаларда эълон қилинди, холос.

Холбуки, республикамизда барча ишлар кўнгилдагидай олиб борилаётганди. Апрелда ер ҳам 10 сантиметр чуқурликда 17—19 даражада исиб, экин экиш учун қулай бўлиб турганди. Бундан фойдаланган Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари деҳқонлари беда, озуқа лавлагиси ва дон учун маккажўхори экишни муддатида тугаллашди. Чигит экиш суръати ҳам ёмон эмасди. Андижон, Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида бу иш тугалланаёзган эди. Афсус, энди табиий офат натижасида кўпгина майдонларни бузиб экишга тўғри келади.

Табиий офатдан, айниқса, Бухоро вилояти деҳқонлари кўпроқ зарар кўришди. Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қорақалпоғистон республикасида кўрилган зарар ҳам бундан кам эмас. Об-ҳаво инжиқликлари Фарғона водийси вилоятларини ҳам четлаб ўтмади. Наманганда кучли давомли ёғингарчилик натижасида 121 минг гектарлик экинзор, жумладан 98 минг гектар ердаги ёш ниҳоллар зарар кўрди. Фарғонада эса 104 минг гектар ердаги ғўза шикастланди.

Республикамиз бўйича табиий офат жами пахта майдонларининг ярмидан зиёдига зарар келтирди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки ҳисса ортиқ. Мутахассисларнинг фикрига кўра, шикастланган майдонларнинг учдан бир қисмига қайтадан чигит экиш лозим. Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида 70 фоизгача майдонга иккинчи марта чигит экишга тўғри келади.

33 минг гектардаги сабзавот ва полиз, 90 минг гектардаги озуқа экинлари, 92 минг гектардаги ғалла, 38 минг гектар боғ ва токзорларга шикаст етди. Халқнинг томорқа хўжалиги, хонадонлар, уй-жой шикастланди. Давлат суғурта бошқармаси маълумотларига кўра, табиий офатдан зарар кўрганлиги ҳақида фуқаролардан 47 мингдан зиёд ариза тушибди.

Ҳа, бу кўпга келган ташвиш. Буни тўғри тушунган дала ва фермаларнинг ходимлари об-ҳаво инжиқликларини бартараф этиб, бўлғуси ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу қийин кезларда чуқур масъулият ва тадбиркорлик билан иш тутмоқдалар. Зеро, мустақил Ўзбекистон халқининг ризқ-насибасига шу кунларда замин яратилажагини ҳамма яхши билади. Шу боис қайта экиш зарур бўлган майдонларга тезроқ ғўзанинг тезпишар, касалликларга чидамли навларини экиш муҳим. Бу ўринда одатдаги навлардан анча илгари етиладиган «С—4727», «Қирғиз—3», «Тошкент—1» навларини эслатиб ўтиш жоиз.

● *Таҳлил ва сабоқ*

Бу борада Бухоро вилоятида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Вилоят ҳокимияти табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Мавжуд экин майдонларининг асосий қисмига қайта чигит экилди. Ромитан райони деҳқонлари бу йил икки бор табиий офат жабрини тортдилар. Лекин райондаги кексаю-ёш далага—жасорат майдонига отланишди. Асосий майдонларга тезпишар ғўза навлари чигити экилди. Қатқалоққа қарши кураш ҳам авжида. Демак, райондагилар олинажак мўл ҳосилдан умид қилсалар арзийди.

Самарқанд вилоятининг Нарпай районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам табиий офатга қарши муваффақиятли курашмоқдалар. 260 гектар майдонга механизаторлардан Сурат Назаров, Ҳазрат Алланов, Иноят Султонов, Мухтор Зиёдов ва бошқалар қисқа муддатда чигит экишди. Экилган чигит ундириб олиниб, яшил пайкаллар вужудга келтирилди. Демак, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилинса, ютуқлар ҳам кўпаяверар экан. Шу ўринда хўжаликнинг тажрибали бригада бошлиғи, қарийб етмиш ёшли Бобоёр Тожиевнинг дил сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик:

— Пахтадан мўл ҳосил оламан, деган деҳқон ғўза ниҳоллари барг ёзиб, илдизи бақувватлашгунича парвона бўлиши керак. Айниқса, ҳозирги пайтда. Чунки бу пайтда қатқалоқ ҳам, шира ҳам, илдиз чириш-у бошқа касалликлар унга ҳуруж қилиши мумкин. Шу боис қатқалоқни дам-бадам юмшатиб туриш, тупроқнинг ғўза томири жойлашган қисмидаги захни қочириш, ерга ишлов беришдан эринмаслик лозим.

Шундай ишбилармонлик кўрсатаётганлар жумҳуриятимизда талайгина. Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида иш шундай ташкил этилгани боис ғўзалар ривожи баравж. Жиззах, Дўстлик, Косон, Ёзёвон ва бошқа районларнинг хўжаликларида ҳам бу иш кўнгилдагидек олиб бориляпти.

Шуниси қувончлики, республика ҳукумати, вилоят ва районларнинг раҳбарлари деҳқон, чорвадорларни табиий офат билан юзма-юз якка қолдиришмаяпти. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, республика қишлоқ хўжалиги вазири М. И. Исломов кучли ёғингарчиликлар рўй берган районларда бўлишиб, одамларнинг дарду ташвишлари, муаммолари билан яқиндан танишдилар. Кишиларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишда амалий ёрдам бердилар. Ҳозир қишлоқ меҳнаткашларига қурилиш материаллари, уруғлик чигит, ўғит, техника, ёнилғи-мойлаш материаллари жўнатиляпти. Сидқидилдан қилинган меҳнат элимиз насибасини асраб қолишга ёрдам бериши шубҳасиз. Зеро, бугунги қилинган меҳнат эртанги кунги баракат.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида кенгаш бўлиб ўтди. Унда бу йил машинасозлик комплекси корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда Ўзбекистон йирик бирлашмалари, концернлари, уюшмалари ва банкларининг раҳбарлари ҳамда бош мутахассислари қатнашдилар. Кенгашни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

КЕЙИНГИ ойда бозорни истеъмол моллари билан кўпроқ таъминлашга бағишланган учинчи кенгаш ўтказилаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу эса муаммонинг ўткирлигини, шунингдек, ҳукумат аҳолининг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганини, шу мураккаб даврда одамларнинг талаб-эҳтиёжларини имкони борича қондиришга интилаётганини кўрсатади. Бир неча рақамни айтиб ўтамиз. Ўтган тўрт ой мобайнида комплексдаги корхоналар 35,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқ истеъмоли молларининг салмоғи 11 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон аҳолисининг мана шундай молларга бўлган эҳтиёжининг 62 фоизи бошқа минтақалардан ва чет эллардан келтирилган маҳсулотлар билан қондирилаётган бир пайтда бу етарли эмас, деб таъкидлади Бош вазир. Ҳозир халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва турларини ошириш — энг муҳим вазифалардир.

Республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотларнинг намуналари кенгаш қатнашчиларига кўрсатилди. Улар орасида оддий резина калишдан тортиб, ғаз плиталари учун электр гугуртгача, биллур чироқдан тортиб, ҳорижий фирмалар билан бирга ишлаб чиқарилаётган «Семург» деб номланган рангли телевизоргача бор. Бундан кенгаш қатнашчилари мамнун бўлдилар. Айни пайтда улар республикада ишлаб чиқарилаётган моллар юксак даражада рақобатбардошли бўлсин, деган истакни айтдилар. Чунки ички бозоримизни таъминлаш билан бирга ҳар бир корхона ташқи бозорга чиқишни ҳам кўзламоғи керак.

Ўзбекистоннинг машинасозлик комплексида зўр илму зиё, фан-техника салоҳияти тўпланган, замонавий техника, технология мавжуд. Мана шуларнинг ҳаммасидан аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

Республиканинг бир қанча корхоналаридаги ишларнинг аҳволи, улардаги имкониятлардан жуда қониқарсиз фойдаланаётганлиги ҳақида кенгашда ташвиш билан гапирилди. Масалан, Жиззах аккумулятор заводи, Янгийўл қишлоқ хўжалиги машиналари қисмлари заводи, Давлат подшипник заводи ўз ишлаб чиқариш майдонларидан атиги 17—47 фоиз фойдаланаётганликларини дуруст ҳолат деб бўладими, ахир? Ҳозирги тақчил шароитда ҳам жами 170 миллион сўмлик маҳсулот сифати паст бўлганлиги сабабли сотилмай ётибди.

«Фотон» бирлашмаси, «Кокандэлектромаш» заводи, «Кафолат» бирлашмаси ва бошқа баъзи қорхоналар жамоаларининг тажрибаси қайд этилди. Бу жамоалар республика учун қийин бўлган ҳозирги шароитда энг янги техника ва технологияни сотиб олиш учун ўзлари валюта ишлаб топишлари кераклигини, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва хом ашё ёки чала тайёр маҳсулотларни эмас, балки тайёр маҳсулотларни сотиш лозимлигини тушунмоқдалар.

Самарқанддаги киноаппаратлари заводи яқин ўтмишда молиявий инқироз ёқасига келиб қолган эди. Коллективнинг ишчанлиги, омилкорлиги ва энг муҳими, ўз кучига ишончи туфайли бозор иқтисодиётининг қийин шароитида бўҳрондан қутулиш иложи топилди. Бу ерда атиги ярим йил мобайнида аҳолига зарур бўлган ва мутлақо етишмай турган бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Энди коллективнинг ишлари юришиб кетди.

Кенгашда ишлаб чиқариш ходимлари билан ҳукумат ходимларининг корхоналарга солиқ солиш тўғрисидаги бевосита рўй-рост гурунги бўлиб ўтди. Республика раҳбарияти зиммасига бениҳоя қийин вазифа тушганлиги таъкидлаб ўтилди: бюджетдаги камомад 50 фоизга етган бир шароитда бозор муносабатларига ўтишни, унинг шафқатсиз қонунларига риоя этилишини амалга оширишга тўғри келмоқда. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда бундай бўлмаган эди. Бюджет эса, асосан, ишлаб чиқарилган ва сотилган молдан олинадиган солиқлар эвазига ҳосил бўлади, солиқ солиш фоизи бирмунча юқорироқ эканлиги ҳам шу билан изоҳланади. Шундай бўлсада, солиқнинг миқдори ишлаб чиқаришга халақит бермаслиги, балки уни рағбатлантириши зарурлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни ўзлари сотиш ҳуқуқини олсинлар, ўз магазинларини ташкил қилсинлар, деган масала ҳам ўртага қўйилди. Бу тадбир маҳсулотларга бўлган талабни тезроқ қондириш, истеъмолчи учун устама савдо нархи белгиланишига йўл қўймаслик имконини беради. Уч ғилдиракли болалар велосипедининг таннархи жуда арзон бўлишига қарамай, ҳозир 844 сўм сотилаётганини нормал бир ҳол деб бўлмадими? дейишди муҳокама қатнашчилари. Ҳозирги савдо нархлари ҳақиқий чиқимларга мутлақо мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи бошқа мисоллар ҳам айтиб берилди. Бунда харидор ҳам, мол ишлаб чиқарувчи ҳам зарар кўрмоқда.

Кенгашда олимлар ишлаб чиққан бир қанча мароқли янгиликлар ҳақида ахборот берилди. Масалан, қуюқ томат ишлаб чиқарадиган линия нобудгарчиликни 30—40 фоиз камайтириш имконини беради. Чунки, уни помидор пайкалининг ёнгинасида ишлатиш мумкин. Бундан ташқари биология жиҳатидан соф ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган жажжи завод, оби нон ёпиладиган серунум электр тандир, қуюлтирилган сут олинадиган қурилма ҳам яратилган. Буларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга имкони борича тезроқ жорий этиш лозим, аммо ҳукуматнинг мадади керак. Болаларга аталган моллар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам давлатнинг мадади, албатта, зарурлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди.

Кенгаш қатнашчилари муҳокама чоғида кўтарилган барча масалалар кейинчалик аниқ-равшан ҳал этилиши учун ҳукумат томонидан ўрганилади ва кўриб чиқилади, деб келишиб олдилар. Республика машинасозлик комплексининг концернлари, корхоналари халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли, рақобатбардош моллар ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этиш ва борларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиққанликлари эътиборга олинди.

Бу дастурларнинг амалга оширилиши олти миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулотни истеъмол бозорига чиқариш имконини беради.

Кенгашда Бош вазирнинг ўринбосари А. Возненко, республиканинг бир қанча вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

ХДП: савол ва жавоблар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ички партиявий ишлар бўлими мудири А. МИРҚОСИМОВ ХДПнинг ташкилий-низомий масалалари бўйича рўзнома муштарийларидан келган саволларга жавоб беради.

— Партия аъзоларига партиявий топшириқларни бериш ва уларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботларни эшитиш керакми!

— Партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ишига партия аъзоларини жалб этиш ва уларнинг шу йўналишлардаги фаоллигини ошириш мақсадида уларга партиявий топшириқлар берилиши мумкин. Топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш усулини эса бошланғич партия ташкилотининг ўзи белгилайди.

— Вакил қилинган ва сайланганлик тушунчаси моҳияти нимадан иборат! Қандай ҳолларда партия аъзоси сайлаб қўйиладиган партия органи таркибига вакил қилиниади-ю, қандай ҳолларда эса унга сайланади!

— Партиянинг барча органлари Низомга мувофиқ йиғилишлар, конференциялар, съездларда бевосита сайланадилар ёки қуйи ташкилотлар томонидан миқдор (квота) бўйича сайлаб қўйиладилар. Биринчи ҳолда партия аъзоси сайланган ҳисобланади, иккинчи ҳолда сайлаб қўйиладиган орган таркибига вакил қилинган бўлади. Сайлаб қўйиладиган органга сайланган аъзони алмаштириш тўғрисидаги масала йиғилиш, конференция, съезд ёки улар ваколат берган орган томонидан бевосита ҳал этилади. Сайлаб қўйиладиган органга вакил қилинган аъзони чақириб олиш ва сайлаш масаласини эса уни вакил қилган ташкилотгина ҳал этади.

— Сайлаб қўйиладиган ижроия орган таркибига мазкур ташкилот ҳисобида турмаган партия аъзоси кўрсатилиши мумкинми!

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳар бир аъзоси сайланувчи ижроия орган таркибига сайланиши мумкин. Бу ҳуқуқ унга Низомда кафолатланган. Мазкур ҳолда партия аъзосининг ҳисобда турган жойи партиянинг ҳар қандай сайланувчи органи таркибига уни кўрсатиш ва сайлаш учун рад этиш асоси ёки сабаби бўла олмайди.

— Иш ёки яшаш жойидаги бошланғич ташкилот томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш масаласида рад жавобини олган фуқаро бошқа бошланғич партия ташкилоти ёки ХДП шаҳар, район кенгашига мурожаат этиши мумкинми!

— Партияга қабул масаласи фақат бошланғич партия ташкилотининг ваколатига киради ва шу сабабли шаҳар, район кенгаши томонидан кўриб чиқилмайди. Айни чоғда ариза берган киши рад қилиниш сабабларига қўшилмаса, у ҳолда шаҳар, район кенгаши мазкур масалани ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга. Агар қабул масаласи кўрилаётганда нохолисликка йўл қўйилгани бу ишни ўрганиш жараёнида аниқланса у ҳолда ХДП шаҳар ёки район кенгаши бошланғич ташкилотга мазкур ўртоқни партияга қабул қилиш тўғрисидаги масалани такрорий кўриб чиқишни тавсия этиши мумкин.

Партияга кирувчи иш жойи ёки истиқомат жойидаги бошланғич партия ташкилоти уни партияга қабул қилишни рад этган бўлса, у мазкур масала юзасидан бошқа бошланғич ташкилотга мурожаат эта олади. Бироқ бунда у ўз мурожаатининг сабабини кўрсатиши лозим. Бу ҳолда бошланғич партия ташкилоти мазкур аризани кўриб чиқиш ёки рад этишни ўзи ҳал этади.

— Қандай ҳолларда ҳисобот-сайлов йиғилиши ўрнига конференция ўтказилади!

— Одатда агар йиғилишни ўтказиш учун хона топилмаса, мазкур бошланғич партия ташкилоти ҳисобидаги партия аъзоларининг иш шароити ёки хусусиятларига кўра қийин бўлса, у ҳолда ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилади.

— Сиёсий партияларнинг бирон-бир бўғинини тузиш таъқиқланган ташкилотда ишлаётган ХДП аъзоси қаерда ҳисобда туриши мумкин!

— Партиядан ҳоли қилинган ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон ХДП аъзолари ўз истакларига кўра истиқомат жойлардаги, уларни биргаликдаги иш бўйича яхши танийдиган меҳнат жамоасидаги партия ташкилотида ёки улар партиянинг дастурий мақсадаларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок эта оладиган ХДПнинг бошқа ташкилоти ҳисобида тура оладилар.

— Бошланғич партия ташкилотида партия аъзоларининг сони қанчага етганида ижроия бюро сайланади!

— Партия Низомида бошланғич партия ташкилотининг ижроия бюроси партия аъзоси шунча бўлганида сайланиши мумкин, деган қоида йўқ. Партия аъзолари ўз ташкилотларидаги аъзолари сонидан қатъи назар, ўз фаолиятлари шароитини ҳисобга олиб ижроия бюрони ёки котиб ва унинг ўринбосарини сайлашлари мумкин.

— Овоз беришнинг натижалари қандай бўлганида йиғилиш қарори қабул қилинган ҳисобланади!

— Йиғилиш қарори унда қатнашаётган партия аъзоларининг кўпчилик қисми овоз берганида қабул қилинган ҳисобланади. Айни пайтда партиянинг Низоми ва норматив қўлланма ҳужжатларида баъзи ҳолларда қарорлар қабул қилишининг бошқача таркиби ҳам кўзда тутилган. Чунончи, партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор йиғилишда қатнашаётган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Ўзбекистон ХДП сафларидан чиқариш тўғрисидаги қарор эса мазкур ташкилот ҳисобидаги партия аъзоларининг ярмидан кўп қисми овоз берганидагина ҳақиқий деб топилади. Халқ демократик партиясининг сайланадиган органлари таркибига сайловлар ва улар таркибидан чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қоидада йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўпроқ қисми овоз берганда номзодларни кўрсатиш тўхтатилиши кўзда тутилган. Номзодни рад этиш ёки номзодини қайтариб олиш бошланғич ташкилот ҳисобидаги партия аъзоларининг ярмидан кўпроғи овоз берганида ҳақиқий деб ҳисобланади. Овоз беришда қатнашган партия аъзоларининг ярмидан кўпроғи овозини олган номзодлар сайланган деб ҳисобланадилар.

• *Талабалар: имтиёз, бурч ва масъулият*

«ИЛМ ОЛИШНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ»!

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ИЛМГОҲИ ТАЛАБАЛАРИ АНА ШУНДАЙ ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚДИЛАР

Андижон Давлат тиллар педагогика олий илмгоҳи вилоятдаги йирик таълим даргоҳларидан бири. Яқинда олийгоҳда бўлиб ўтган митингда профессор С. Раҳимов, доцент В. Карашчук, байналмилалчи-жангчи У. Исоқов, Хўжа маҳалласининг оқсоқоли Саидмаҳмудхон Насриддин ўғли, талаба М. Мўминова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ҳозирги мураккаб шароитда талабалар ўртасида тотувлик, ўзаро ишонч, осойишталикни сақлаш, ҳар хил иғволарга асло ишонмаслик ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Илмгоҳда талабалар оширилган стипендия билан таъминлангани, тушлик овқат учун уларга пул берилаётгани, ётоқхоналарда қулай шарт-шароитлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

— Биз талабаларнинг руҳиятини кўтариш, уларнинг бурч ва масъулиятини ошириш, берилаётган имтиёзларнинг қадрига етиш, пухта билим олишга даъват этиш мақсадида шу тадбирни қўлладик, — деди илмгоҳ ректори, филология фанлари доктори М. Умархўжаев.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Фитрат таваллудининг 110 йиллиги олдидан*

МАЪРИФАТПАРВАР ВА МУРАББИЙ

ФИТРАТ ёзувчи, олим, публицист ва драматург, тарихчи ҳамда файласуф бўлиш билан бирга Шарқ маърифатчиси ва муаллими ҳамдир. Инқилобдан бурунроқ «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи» (1911) каби публицистик асарлар ёзиб, бу китобларда маърифатнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги, шунингдек, маданият ривожидаги ҳаётбахш ролига катта аҳамият беради. Бухорода илм-фан, ўқиш ва ўқитишнинг замонавий асосда яхши йўлга қўйилишини, соғлом ва фаний асосларга эга бўлишини маърифатли ҳаёт учун курашда энг қудратли қурол деб билади. Шунинг учун ҳам бу асарлар гарчи ўша йилларда Истамбулда ёзилиб, камроқ нусхаларда нашр этилган бўлса-да, Бухорода янги мактаб, маориф учун курашаётган тараққийпарвар зиёлилар, жадид (янги) мактабларнинг муаллимлари орасида кенг тарқади.

Фитрат биринчи жаҳон уруши ва февраль инқилоби арафасида Бухорода чор охранкаси ва амир амалдорларининг тараққийпарвар зиёлиларга таъқиби ва назорати кучайган йилларда ҳам ёшларга таълим-тарбия бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, маърифат ва тараққиётни тарғиб ишларидан тўхтагани йўқ. Худди шу йилларда у Бокудаги маорифчи дўстлари ёрдамида ўзининг ибтидоий мактабларнинг сўнгги синфлари учун мўлжаллаб ёзган «Ўқув» номли китобини нашр этдирди (1917. Боку). Ва бу китоб ўша йилларда Бухородагина эмас, Самарқанд, Тошкентда ҳам М. Беҳбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов ўқув китоблари сингари янги усул мактабларда фойдали тарбия китоби бўлиб юрди. С. Айнийнинг хотирасига қараганда, Фитрат бу даврда «Ўз уйида ўтириб мурожаат қилғон ёшларга дарс, таълим-тарбия бериш ва Самарқандда муфти Маҳмудхўжа идорасида чиққан «Ойна» журналида ёшларга нашр афкорлик вазифасини ҳам ўтаб турган».

1917 йил Октябрь тўнтаришидан бироз ўтгач, Бухородаги Колесов воқеасидан сўнг Ф. Хўжаев ва бошқалар билан Тошкентга келиб, бу ерда янги ўзбек маорифи, маданияти асосларини яратишга киришди. Ўзбек тили ва адабиёти, янги имло масалалари, тили ва ўқув қўлланмалари, адабиёт тарихи ва назариясига оид бир қатор қўлланма, дарслик ва амалий ўқув китоблари ёзди. Масалан, Қаюм Рамазон билан ҳамкорликда ёзган «Она тили» (1918), ўзи мустақил ёзган «Имло масалалари» (1919), «Ўзбек тилининг сарфи» (1925), «Наҳви», (1927), «Адабиёт қоидалари» (1926), «Ўзбек адабиёти намуналари» (1928). Бунгача эса 1922 йилдан Бухоро Халқ жумҳуриятининг Маориф нозири сифатида ўша вақтларда Бухоро Республикаси ҳудудидаги барча ўзбек, тожик, туркман, маҳаллий яҳудий ва бошқа миллатларнинг болалари учун янги мактаб, маориф ўчоқлари очиш, муаллимларга қўлланмалар, методик ёрдамлар тайёрлашда катта ишлар олиб борди.

Бу соҳада шу даврда Бухоро Халқ Маориф нозирлиги ва ҳукумати олдида қандай муҳим вазифалар турганлигини ўша даврнинг конкрет тарихий шароитидан келиб чиқиб, донишмандлик билан шундай деб ёзди: «Мактаб ҳибсхона эмас. Унга болаларни милиция билан тортмоқ болаларнида, ота-оналарнида мактабга муҳаббат қилишларига йўл бермайдилар. Ота оналар ўз болаларининг милиция билан мактабга тортилганини кўргач, жуда қўрқадилар. «Бунинг бир балоси бўлмаса, бунча зўрламайдилар» — деган ваҳимали бир фикрга келадилар. Халқимизни тезлик билан маорифга исинтирмоқ истаган бизлар учун бу йўл зарарлидир. Зотан, қурол кучи билан бир миллатни йўқ этмак қулай, бор этмак мумкин эмасдир. Қурол кучи билан ҳеч бир жамоатни маданият сари жўнатиб бўлмайдир. Шунинг учундирким сўнгги кунларда маориф назорати бу масалани битирмоқчи бўлди. Талабаларнинг давоматини таъмин этмоғи учун бошқа бир йўл тушунилди. Ҳар мактабда ўқиғон талабаларнинг оталари, волидалари чақирилиб, шу мактабда бир мажлис ясалди, мажлисда тўпланғон оталар ўз ораларидан уч кишилик комиссия сайладилар. Бу кун ота-оналар комиссияси Бухоро шаҳридаги ҳукумат мактабларида ташкил айланған ва кутилган натижаларни бериб туради. Мактабларимиздаги талабалар милициясиз келиб турадир (Фитрат, «Маориф ишлари», «Учқун» ойномаси (Бухоро). 1923 йил, №1).

Фитрат 1922—23 йиллар Бухоро Халқ жумҳуриятидан Германия, Туркияга талабалар юбориш, у ердаги илғор Европа таълим-тарбияси, илм-фан, техника сирларини ўрганиш, янги Бухоро Халқ Республикаси ва Туркистонда маориф ва маданиятни ривожлантирувчи маҳаллий миллий кадрлар тайёрлаш ташаббускори ва танловчиларидан бири бўлди. Ва худди шу даврда Бухоро Халқ жумҳурияти раиси Файзулла Хўжаев, Туркистон Шўролар жумҳурияти раҳбарлари Турор Рисқулов, Абдулло Раҳимбоев, Назир Тўрақуловлар билан бирга Бухоро ва Тошкент, Самарқанд ва Фарғона, Хўжанд ва Хевадан Саттор Жаббор, Сайидали Хўжа, Марям Султонмуродова, Хайрниносо Мажидхонова, Саида Шераҳмад қизи каби бир қанча маҳаллий миллат ўғил ва қизларини Германияга ўқишга юборади. Уларнинг у ердаги ўқишдаги аҳволи, моддий ва маънавий, тарбиявий ишларидан хабардор бўлиб туради.

Фитрат фақат Бухоро мактаб, маориф ишлари ва Туркистондан хорижга талабалар юбориш билангина чекланиб қолмай, Ўзбекистонда биринчи ташкил бўлган Самарқанддаги жумҳурият Педакадемиясида, кейинчалик Тошкент Давлат педагогика институтларида шарқ адабиёти ва тили, тарихидан юксак савияда дарс беради. Москвадаги СССР Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институтида 1924 йилдаёқ профессорлик олган Абдурауф Фитрат ўша йиллардан бошлабоқ дунёга машҳур бўлган олимлар академик А. Самойлович, С. Малов, Е. Э. Бертельслар билан ҳамкорликда Ўрта Осиёдаги ўзбек, тожик ва бошқа миллат шарқшунос, адабиётшунос, турколог олим, муаллимлар тайёрлаш ишига ҳам яқиндан ёрдам беради. Ва бу соҳада Фитрат то 1937 йил қатағонга учрагунга қадар Яҳё Ғуломов, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Ходи Зарифов, Иззат Султонов, Ҳомил Ёқубов, Раҳим Ҳошим каби ўрта Осиёнинг бўлғуси таниқли олимларига бевосита ёки билвосита мураббийлик ҳам қилади.

1934 йил Ўзбекистон Фанлар комитети қошида тузилган (ҳозир Навоий номидаги Адабиётшунослик ва ўзбек тилшунослиги институтлари каби) мустақил илмий-тадқиқот институтларига айланган илмий муассасаларда ўша даврда таниқли олимлардан Отажон Ҳошим, Ғози Юнусов ва бошқалар билан бирга ёш адабиётшунос ҳамда тилшунос олимларга ўзбек адабиёти тарихи ва форс тилидан дарс беради. Шарқ адабиёти, тили, тарихининг катта билимдони сифатида шуҳрат топади ва шогирдлари қалбида ўчмас из қолдиради. Унинг шогирдларидан бири, кўплаб адабиётшунос олимларнинг устози Иззат Султонов Фитратнинг ўша вақтдаёқ ўз Ватани, халқи ва шогирдларига бўлган бу чексиз меҳри-оқибати ҳамда садоқатини хотирлаб шундай ёзган эди: «1935 ёки 1936 йилда аспирантура бўйича раҳбарим Фитрат уйига борганимда у менга араб тилида ёзилган бир хат кўрсатди. Хат Қоҳира дорилфунунининг раҳбарларидан эди. Унда Фитрат. Қоҳирага, дорилфунунининг доимий мударрислигига расмий равишда таклиф этилганди. Фитрат Қоҳирага доимий яшаш ёки ишлашга кетиш ёки кетмаслик борасида мендан маслаҳат сўради. Мен устозга маслаҳат беришга ҳаққим йўқлигини, аммо унинг ўрнида бўлсам ҳеч қачон ўз юртимни ва халқимни ташлаб чет элга кетмаслигимни айтдим. Бир неча кундан сўнг домла у хатга рад жавоби юборганини айтганида, мен чексиз қувондим ва қувончимни дарров директоримиз билан баҳам кўришга шошилдим...».

Шерали ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон ФА Адабиётшунослик институтининг катта илмий ходими.

*

Элликқалъа районидаги саноат моллари ишлаб чиқариш корхонаси тикувчилик цехида кейинги пайтда бирмунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буюртмачиларга замонавий кийим-кечаклар тайёрлаб бераётган цех бичувчиси Қозоқова Сапаргулнинг меҳнатидан кўпчилик мамнун. У ўзининг изланувчанлиги ва ўта дидлилиги билан ажралиб туради.

Суратда: С. Қозоқова.

Э. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

• Вилоят ҳокими танқидидан сўнг...

● Яқинда Наманган шаҳар фаолларининг анжумани бўлиб ўтди. Сиёсий маориф уйига халқ нойблари, маҳалла қўмиталари раислари, шаҳарнинг ардоқли фахрийлари, давлат, жамоат ва хўжалик органлари фаоллари йиғилишди. Улар 1992 йил 24 мартда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида Наманган шаҳар фаоллари ва ҳокимияти номига айтилган танқидий фикрларни таҳлил этиш, осойишталик ва тартибни барқарор сақлашга доир долзарб масалани атрофлича муҳокама қилишди.

НАМАНГАН ШУҲРАТИ ТИКЛАНАЖАК

ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ ҚАРОРИ ШУНДАЙ...

ЙИҒИЛИШДА шаҳар прокурори Умматали Шамсиев «Қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва вазиятни соғломлаштириш бўйича вилоят фаоллари Кенгашининг қароридан келиб чиқадиган муҳим вазифалар ҳақида» маъруза қилди.

У шаҳардаги бугунги ҳаёт тарзи, давлат органларининг иши ва норасмий гуруҳлар фаолиятини атрофлича таҳлил этди. Фуқароларнинг талаб ва истакларини қаноатлантириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга кенгроқ тўхталди.

— Кейинги 2 йил мобайнида Наманганда жиноятчилик тобора кўпаймоқда. Давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, оғир жиноятлар, фирибгарлик, безорилик, ёшлар ва муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ана шулар жумласидандир. Яқингинада яхши ният билан бир қатор маҳаллаларда тузилган «Адолат» гуруҳлари ўз фаолиятларини бошқа, қонунга зид ҳаракатларга қаратганлиги афсусланарлидир. Улар тазйиқ ва зулм ўтказиш билан бирга, маҳаллий ҳокимиятни менсимасдан, давлат ишларига аралашмоқдалар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги камчиликлар, суст-кашлик ва журъатсизлик, воқеаларга сиёсий баҳо бера олмаслик, қонунни ҳимоя қилиш ўрнига келишувчиликка йўл қўйиш оқибатида «Ислом лашкарлари» ва «Адолат» уюшмалари халқ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиляпмиз, деган важ билан маъмурий органлар ваколатларини ўзларига олиб, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар қилиши натижасида қурбонлар бўлди. Фуқароларга моддий-маънавий ва жисмоний куч ишлатиш орқали тазйиқ ўтказилди. Куч ишлатиш ва қийноқ усуллари билан содир этилмаган жиноятлар бегуноҳ кишиларнинг бўйнига қўйилди. Бу соҳта обрў орттириш йўлига ўтиб олишнинг ўзгинаси эди. Ислом ниқоби остида қилинган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар мусулмончиликка ҳам сира тўғри келмайди. Вилоят фаоллари йиғилишида вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиевнинг наманганликларга қарата айтган танқидий фикрлари кўпгина маҳаллаларда бўлиб ўтган йиғилишларда кенг муҳокама этилди. Фуқаролар ҳақли равишда «Адолат» гуруҳининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини қоралаб, амалдаги қонунларни тўғри бажаришни талаб этмоқдалар. Қолаверса, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида бозорларда нархнаво кескин кўтарилганлиги чайқовчилик, савдо шоҳобчаларида харидоргир молларни яшириб қўйиш, харидорлар ҳақига хиёнатнинг кучайгани, маҳсулотлар тақчиллиги, уларни тақсимлашдаги ноҳақликлар, айниқса, уй-жой ва ер участкаларига бўлган талаблар ўз вақтида ижобий ҳал этилмаётгани аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаяпти. Бу каби нуқсонлар шаҳар ҳокимияти томонидан шошилинч бартараф этилиши кераклиги маърузаларда такрор-такрор таъкидланди.

— Ўғлим Баҳромжон «Беш йиллик» нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 40-ҳунар-техника билим юртида ўқирди. Устаси Ҳамидахон бир неча ойлик стипендиясини ўзлаштириб, ўз вақтида беравермабди,— деди кўзларида ёш билан нафақахўр Каромат опа Ўрмонова. — Шунда ўғлим устасидан стипендиясини беришни илтимос қилибди. Дадасининг ва менинг бетоблигимни, уйда ейишга нон қолмаганини айтибди. Шунда Ҳамидахоннинг жаҳли чиқибди. Ўғлим каби бир неча талабаларнинг стипендиясини бермай юришган экан. Мастер ва ўқув юрти директорининг ўринбосари Боқижон домла билан хоналарида Баҳромжонни савалашибди ва 4 та заёмни ўғирлади, деб унга айб қўйишибди. Ўғлим эса, лар уйларидан жой беришди. Мен мусулмон фарзандиман. Туҳматчилар ўз қилмишларига яраша жазоланишини талаб этаман.

Бечора Баҳромжон стипендиясини беришни талаб қилиб, умри завол бўлди.

— Бундай ҳаракатларга биз томошабин бўлиб қараб турдик, — деди аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, республика халқ нойби Муҳаммаджон Каримов. — Ҳамма раҳбарлар ҳам, ҳокимият ҳам муросасозликка ўтиб олдик. СССР қулади, давлат ва органлар ҳам кучсиз, деган фикрда юрган турли гуруҳларга бўш келяпмиз. Йўқ, бундан буён бунга йўл қўйиб бўлмайди. Наманганнинг эски шуҳратини тиклаш керак Аммо ХДП вилоят кенгаши пленумида биз мана шу гуруҳлар фаолиятига тўғри баҳо бергандик. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдурашид Убайдуллаев бугунги вазиятни тўғрилашнинг бирдан-бир йўли — ҳамма бир тан, бир жон бўлиши, барча фаоллар наманганлик деган номни ғурур ва ифтихорла тушуниши, бир мақсад йўлида бирлашган ҳолда ҳаракат қилиши даркорлигини уқдирди. Қора кучларга қарши кескин кураш йўли билангина бу хатоларни тўғрилаш мумкин. Ҳоким ўринбосари «икки томон»га ишлаган икки юзламачи раҳбарлар ва маҳалла қўмиталарини танқид остига олди, давлат ҳуқуқ органлари қонунни тўғри қўллаши, прокуратура эса қонун ҳимоясини тўғри назорат қилиши кераклигини талаб қилди.

— Миллий мактабда миллий тарбия ишларини йўлга қўйиб, миллий маданият, тил ва адабиётимизни, маданий меросимизни фарзандларимизга яхши ўргатмас эканмиз, одамларда ўзбеклиги учун ифтиҳор ҳиссини уйғотмас эканмиз, тарбия моҳияти сусайиб бораверади. Шунинг учун ҳам биз меҳнат ва уруш фахрийлари билан ишлашни яхши йўлга қўйганмиз, — ўз сўзида таъкидлади 19-ўрта мактаб директори, Рислиғой Абдуғаффорова. — Норасмий гуруҳларнинг ишини қоралаймиз, ҳокимият ишига аралашишларига йўл бермаймиз, маҳалламиз аҳлининг фикри ҳам ана шундай бўлди.

Халқ демократик партиясининг Наманган шаҳар кенгаши биринчи котиби Маҳмуджон Мамадалиевнинг маърузаси ҳам шаҳардаги осойишталик ва тартибсизликларнинг олдини олиш, халқ ҳаётини яхшилашга доир чора-тадбирларни тўғри амалга ошириш ва унда партия аъзоларининг ролини кўтаришга қаратилди.

Шаҳар ҳокими Акмалхон Икромов шундай деди:

— Шаҳримизда ҳокимиятни мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилиш зарур. Ҳокимиятни оёқ остига қилишга бундан буён йўл қўймаймиз. Ким бизга ёрдам берса, ҳокимиятни тан олса, қонунларни ҳурмат қилса, марҳамат, биз ҳам унга меҳр-оқибат кўрсатамиз, акс ҳолда... Ҳокимият уй-жой ва ер участкаси тақсимотидаги нуқсонларни бартараф этади. Наманган шаҳрининг аввалги шуҳратини тиклаш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз. Барча корхона ва ташкилотлар, муассасалар, маҳалла фаолларининг иши Наманганни обод ва кўркам, барча жабҳада Республика ва водийга намуна бўладиган шаҳарга айлантиришга қаратилмоғи керак. Ҳокимият бозордаги аҳволни ўзгартиришга; ҳаёт тарзини яхшилашга, ҳар бир оила тинч ва осойишта яшашини таъминлашга ва ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор.

Фаоллар осойишталик ва тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ҳақида тегишли қарор қабул қилдилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳар Кенгаши нойби.

• *Номерга хабар*

ЎЗБЕКИСТОН ДАРВОЗАСИЗ ЭМАС!

«Известия» рўзномаси 22 майда «Б. Кармал МДҲга келишга рухсат сўраяпти. Ҳозирча уни киритишмаяпти» сарлавҳали хабарни босиб чиқарди.

Бу хабарнинг моҳияти шундайки, гўё Б. Кармал ва Афғонистонда илгари юқори лавозимларни эгаллаб турган яна бир неча киши Ўзбекистон чегараси яқинидаги Хайратон шаҳрида турган эмиш. Лекин дипломатия ўйинлари сабабли Россияга ўта олмаётган эмиш.

Нуфузли рўзнома ёлғонящикни босиб чиқаришидан мақсади нималигини тушуниш қийин. Лекин Б. Кармал Афғонистон билан бевосита чегарадош Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига эмас, балки Россия Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилганлигини айтишни ўз бурчимиз деб биламиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз қонунлари бор. Ўзбекистонга келиш учун кимга рухсатнома бериш ва кимга рухсатнома бермаслик — республика дипломатия маҳкамасининг ишидир. Б. Кармал Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилганда эди, унинг илтимоси кўриб чиқилган бўларди.

(ЎзА).

«МУЛОҚОТ»

Иқтисодий танглик вақтли матбуотни ҳам қийин аҳволга солиб қўйди. Жаридаларнинг 5-, 6-ёнларини қўшилган ҳолда нашрдан чиқди. Унинг саҳифалари одатдагидек мунозарали, баҳсталаб, айни вақтда илмий ва тарихий мантиққа асосланган, шу кунинг энг долзарб масалалари кўтарилган мақолаларга бой.

«Мулоқот»нинг бу сони Бектош Раҳимовнинг «Президент — салтанат рамзи» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Унда президентлик лавозими, унинг имкониятлари, бурчи ва вазифалари ҳақида фикр юритилади, республикада кейинги ўн йилларда юз берган сиёсий беқарорлик, унинг фожиалари, мустақиллик шароитида маънавий-сиёсий муҳитнинг тобора соғломлашиб бораётгани, бу йўлдаги дастлабки тажрибалар чуқур таҳлил қилинади.

Дунёвий илмлар, маданий мерос ва халқимиз тарихининг очилмаган саҳифаларига қўл уриш жариданинг ўзига хос йўли. Бу сафар ҳам ундан ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган мавзулар кенг ўрин олган. А. Аҳмедовнинг «Дунё фанининг тўрт рукни, тўрт асоси», Икроми Диннинг «Бизга шарқона демократия керак», Б. Аҳмедовнинг «Амир Темурга мактублар» мақолаларида асрлар ғубори остида қолган фикрлар тилга олинади, «теша тегмаган» масалалар кўтарилади.

«Буюк мутасаввуфлар» рукни остида О. Усмоннинг «Шайх Юсуф Ҳамадоний» номли мақоласи босилган. Унда Ислом маданиятининг янги қирралари очиб берилади. Шунингдек, жаридадан Ш. Бобохонов, М. Андижоний ва бошқаларнинг чуқур мушоҳадали, қизиқарли мақолалари, А. Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий» романидан парча ўрин олган.

25, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 1-фильм. 18.25 «Кичкинтой» студияси. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат канали: «Етти юлдуз». 19.40 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм. 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Ёшлик» оқшоми. 21.15 «Мурувват». 21.45 Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 22.00 «Лаҳза». Хабарлар. 22.10 Кичик концерт.

ОРБИТА-IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 Эрталабки гимнастика. 8.30 «Замона» рукнида «Кипрда об-ҳаво». 9.00 «Алдаркўса». Мультфильм. 9.15 «Садко». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...» 14.40 «Айиқ терриси сотилади». Бадиий фильм. 15.45 «Ғолиблар билан биргаликда». 16.30 «НЭП». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Долзарб репортаж. 17.35 «Сергей ота». Телевизион очерк. 18.05 Футбол шарҳи. 18.35 «Ёш врачнинг ёзишмалари». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Катталар учун мультфильмлар. 20.40 «ТВ—галерея», «Бомонд», «АТВ—брокер». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 00.15 «Айиқ терриси сотилади». Телевизион бадиий фильм.

26, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Агар севсанг». Шомаҳмуд Шорахмедов куйлайди. 8.05 «Доктор Жейкил ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 «Боғоявлен хазинаси» Манзарали фильм. 10.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 2-фильм. 18.25 «Шеърият дафтаридан». 18.55 Спортлото. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Деҳқон юмушлари». 19.55 «Матлубанинг бахти». Фильм-концерт. «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Иқтисод ва истиқлол». 21.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 22.50 «Наврўз-92» фестивалининг якуни. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма. 11.30 «Аёл қалби наволари». Ўзбекистон халқ артисти В. Оқилова 12.20 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Ёз тараддуди». «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси, вилоят касаба уюшмаси ва «Тошкент» студиясининг қўшма рейди 19.40 «Шарқ лирикаси». Нодира таваллудининг 200 йиллигига. 20.00 «Мусиқий меҳмонхона». 20.30 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.50 Эълонлар. Кинонигоҳ.

ОРБИТА-IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Казаклар даврасия». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. (Владикавказ). 8.50 «Ранг ўғрилари». Мультфильм. 9.10 «Кузги қўнғироқлар». Бадиий фильм. 10.30 «Делегатскийдаги музей». «Оламнинг акси». 11.00 Янгиликлар. 13.30 Кўрсатувлар тартиби. 13.35 «Адам Смит бойлиги дунёси». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар. (Сурдо таржимаси билан). 14.20 «Буғли дошқозон атрофидаги рақслар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.25 «Куй ишқибозларига совға» С. Прокофьев. 15.55 Болалар учун фильм. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Қишлоқлар хроникаси». 18.00 Авиакосмик салони. 18.15 Кечки альбом. «Ер юзи айланаси». Сергей Макаров назми. 18.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. (Мексика). 19.00 «Мавзу». 19.40 Кўрсатувлар тартиби. 19.45 «Хайрли, тун кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ғалаба иштиёқи». 1-серия. (Италия). 21.50 «Фермата». 22.10 «Веди». 22.50 «Музлар орасидаги антенналар». Катталар учун мультфильм. 23.00 Янгиликлар. 23.25 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «50Х50». Телешоу.

„ОЙНАИ ЖАҲОН"ДА КЎРИНГ

25 – 31 май

27, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди. 8.05 «Жонли камалак». Кинокўрсатув. 9.10 Араб тили. 9.40 «Огаҳий юртдошлари». Кинокўрсатув. 10.00 «Тошкент» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чирилдоқ». Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Сўнгги қўнғироқ». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат канали: «Юнитех интернейшнл». 19.50 «Най наволари». 20.00 «Ўзбекистон — жаҳонга юз тутмоқда». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Сурхон» (Термиз). Репортаж. 22.30 «Изтопар». Бадиий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Етуклик». Ўзбекистон хореография билим юрти ҳақида. 20.50 «Алоқалар ва шартномалар». 21.30 «Ёшлигим-бебошлигим». Телефильм. 22.00 Н. Саймон. «Сўнгги оташин ошиқ». Спектакль.

ОРБИТА-IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Кўрсатувлар тартиби. 8.05 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли бадиий фильм. 8.45 «Бир вақтлар. «Учрашгандик»... 9.15 «Ёмғирдан сўнг пайшанбада». Бадиий фильм. 10.35 «Тананс аптик осмони остида». ҳужжатли фильм премьераси. 11.00 Янгиликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Буғли дошқозон» 15.30 «Моторлар оламида». 16.00 «Рок-макс». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Гароғдагилар». Телевизион очерк. 17.55 «Мана шунақа паришон». Мультфильм. 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 18.30 «Кинопанорама». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Ғалаба иштиёқи». телевизион бадиий фильм премьераси 2-серия. 22.05 «Қора қути». 22.35 «Рассом Стефан Домусч кашфиёти». 22.55 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Лимпопо». 00.05 «Буғли дошқозон атрофидаги рақслар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

28, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов куйлайди. 8.40 «Тоғда ёз қисқа бўлади». Бадиий фильм. 9.50 «Олий таълим янгиланиш йўлида». 10.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.00 Турк тили.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Саккиз оёқлилар». «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильмлар. 18.30 «Тадбиркорлар ҳузурида». 18.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнали. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида) 19.20 «Сув — ҳаёт манбаи». 19.50 «Мерос». Сайид Ризо Ализода. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Мен ўзбек қизиман». Халқ артисти Ҳалима Носирова билан учрашув. 22.45 «Мафтунингман». Бадиий фильм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм. 11.00 Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 11.30 «Оқ суяк». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Дорихона эшитади». 19.30 Гитара оҳанглари. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Эълонлар. Кинонигоҳ.

ОРБИТА-IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8.45 «Лимпопо». 9.15 «Олов, сув ва мис қувурлар». Бадиий фильм. 10.40 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм. 1—4-сериялар. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўшанда». 14.55 «Тони Вендиснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.00 «Йўқолган вақт ҳақида эртак». Мультфильм. 16.20 «440 герц». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.05 «Мусиқага хизмат қилиш оворагарчиликни кўтармайди». 18.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 19.05 «Телескоп». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Ғалаба иштиёқи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.50 Ҳужжатли фильм. 22.10 «Эфирда мусиқа». 1-қисм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Эфирда мусиқа». 2-қисм. 00.45 «Тони Вединснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

29, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Дилномалар». Мусиқий кўрсатув. 8.35 «Кичик боланинг катта ташвиши». Бадиий фильм. 9.40 Инглиз тили. 10.10 «Футбол майдонларида». 10.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чивинлар макони». Мультфильм. 18.30 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Истиқбол ўзимизга боғлиқ». Телеочерк. 19.50 Тижорат канали. «Тадбиркорлик калити». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Деҳқон ва замин». 22.00 «Чақноқ юлдузлар». Ҳинд кинофильмларидан концерт. 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 Мамарасул Бобоев. «Она қалби». Теленовелла. 11.15 «Чол Ибн Хаттоб». Бадиий фильм.

ОРБИТА-IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли бадиий фильм. 8.45 Мультфильмлар. 9.15 Болалар учун бадиий фильм. 10.40 Табиат оламига саёҳат. 11.00 Янгиликлар. 11.20 Саёҳатчилар клуби (сурдо таржимаси билан). 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Бридж». 13.40 «Бизнес синфи». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар 14.20 «Тони Вендиснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.25 «Дуки» телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.00 «Образ». Адабий кўрсатув. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Инсон ва қонун». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «ТВ-Нева»: «Ким биз билан». 14-кўрсатув. 18.20 «Леннебергдик Эмил». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм. (Швеция). 18.45 «Савобга кўз тикиб». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Хива нақшлари». Ўзбек фольклор дастасининг концерти. 20.40 ВИД таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Мотодор», «Шоу биржа». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 00.30 «Овозли йўлак». 01.00 «Тони Вединснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

30, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 Абдурауф Фитрат. «Абдулфайзхон». Бухоро вилоят театрининг спектакли 9.40 «Ўзбекистон спорти» 10.10 «Илғор тажриба мактаби». 10.40 «Олишув». Бадиий фильм. 12.15 «Саманда́с» (қозоқ тилида). 13.15 «Томоша». Фильм-концерт. «Ўзбектелефильм» премьераси. 13.45 «Урганч қурилиш коллежи». 14.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Китоб — ўтмиш ва келажак кўприги». 16.55 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нурафшон» (Бухоро). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. (Танаффус пайтида «Стадион». Телефильм). 18.50 «Арқон». Мультфильм. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Оила» 20.20 «Баҳор лавҳалари». Телефильм. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Мулоҳаза». Адабий кўрсатув. 22.00 «Барҳаёт наволар». К. Отаниёзов таваллудининг 75 йиллигига. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА-IV
ОСТАНКИНО
I КАНАЛ

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 Ҳаммабоп спорт. 8.10 «Муваффақиятга қандай эришиш мумкин». 8.25 «Бумеранг». 9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Марказ». 10.10 «Мусиқий дўкон». 10.40 «Эх». Экологик хроника. 10.55 «Тўс-тўполон». Мультфильм. 11.10 «Германия, 47 йил ўтгач». 11.25 «Янги авлод танлайди». 12.15 «Одамзод илмгоҳи». 13.00 «Айғоқчилик тарихи». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия. 13.55 Кўрсатувлар тартиби. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм. 15.55 «Қизил квадрат». 16.35 «Ҳайвонот оламида». 17.35 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.00 «КВН—92». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта «Авария» — хит қизи» бадиий фильм. (Мосфильм). 22.00 «Европа қўшув...». 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Мутаносиблик». Бадиий фильм.

31, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 Санъат усталари. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Карима Расулова. 9.00 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 9.40 «Ҳамкорликка кенг йўл». 10.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган кўрсатув. 12.45 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 14.00 «Фан ва деҳқончилик». 14.40 «Оқ йўл». М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси кафедраси битирувчиларининг концерти. 18.00 «Ғаройиб саргузашт», «Ҳосил байрами», «Тиниб-тинчимас маймунлар». Мультфильмлар. 18.30 «Кичкинтой» студияси. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Хонатлас». Телефильм. 19.30 «Менинг маҳаллам». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.50 «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА-IV
ОСТАНКИНО
I КАНАЛ

6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 Болалар учун мультфильмлар. 8.20 «Эрта тонг билан». 9.00 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.30 «Бўш вақтдаги ишқибозлик». 10.10 «Тонг юлдузи». 11.05 «ПИ» белгиси билан. 11.55 Кўрсатувлар тартиби. 12.00 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX Халқаро фестивали. (Покистон). 12.30 «Ўзингга кўмаклаш». 13.00 «Ёввойи табиат қўриқхоналари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. 13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильм. (Франция). 14.00 Янгиликлар. 14.15 «Саёҳатчилар клуби». 15.05 Дунё мамлакатларининг эртак ва афсоналари. «Хўжа Насриддин». (Туркия). 15.15 «Уолт Дисней таништиради». 16.05 «Телелоция». 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Ҳеч нима ҳақида репортаж». 18.10 «Брейн ринг». 19.00 «Кино янгиликлари». 19.20 «Рус видеоси» киносалони. Бадиий фильм. (Франция). 21.00 «Якунлар». 21.45 Диний кўрсатув. 23.00 Янгиликлар. 23.20 Кўрсатувлар тартиби. 23.25 «Мусиқа круиз». 23.50 «Йигирма дақиқа фариштa билан». Телевизон бадиий фильм.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
1992-93 ўқув йилининг биринчи курсига
ҳамма таълим шакллари бўйича қуйидаги ихтисосликларга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Кундузги бўлим:

0523 Ташвиқот ва рекламанинг тасвирий воситалари.
0708 Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
0716 Ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
0717 Шаҳар хўжалигининг маиший ва коммунал хизматида иқтисодиёт ва бошқарув.
1211 Гидравлик машиналар, гидроузатмалар ва гидропневмоавтоматика.
2202 Бошқарув ва ахборотни тартиблашнинг автоматлаштирилган тизимлари.
2203 Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.
2601 Ўрмон муҳандислиги иши.
2901 Архитектура.
2902 Шаҳар, қишлоқ ва боғ ансамбларини архитектуравий бадиий лойиҳалаш.
2903 Саноат ва фуқаро қурилиши.
2904 Гидротехника қурилиши.
2905 Шаҳар қурилиши ва хўжалиги.
2906 Қурилиш буюмлари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш.
2907 Иссиқлик, газ таъминоти ва шамоллатиш.
2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.
2912 Иссиқлик ва атом электр станциялари қурилиши.
2914 Қурилишда қайта ишлаш технологияси.
3001 Амалий геодезия.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълим:

0708 Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
0716 Ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
0717 Шаҳар хўжалигининг маиший ва коммунал хизматида иқтисодиёт ва бошқарув.
1211 Гидравлик машиналар, гидроузатмалар ва гидропневмоавтоматика.
2202 Информация ва бошқарувни тартиблашни автоматлаштирилган тизимлари.
2203 Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.
2601 Ўрмон муҳандислиги иши.
2901 Архитектура.
2902 Шаҳар, қишлоқ ва боғ ансамбларини архитектуравий бадиий лойиҳалаш.
2903 Саноат ва фуқаро қурилиши.
2905 Шаҳар қурилиши ва хўжалиги.
2906 Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2907 Иссиқлик, газ таъминоти ва шамоллатиш.
2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш

НУКУС ШАҲРИДАГИ УМУМТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

кундузги бўлим

2903 Саноат ва фуқаро қурилиши.
2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълим:

2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

АНГРЕН КУЛЛИЁТИ

Кундузги ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълим:

2601 Ўрмон муҳандислиги иши.
2903 Саноат ва фуқаро қурилиши.
2907 Иссиқлик, газ таъминоти ва шамоллатиш.
2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

УРГАНЧ КУЛЛИЁТИ

Кундузги бўлим:

2901 Архитектура (Хива шаҳри).
2903 Саноат ва фуқаро қурилиши.
2904 Гидротехника қурилиши.
2905 Шаҳар қурилиши ва хўжалиги.
2906 Қурилиш буюмларини ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълим:

2904 Гидротехника қурилиши.
2906 Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2908 Сув таъминоти, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ:
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИГА

Ўзбекистон республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон республикасида яшовчи чет эллик фуқаролар қабул қилинади.

1992 йилдан кундузги бўлимда талабалар таълими биринчи маротаба бакалавиатура ва магистратуралар таркибида бўлган кўп босқичли тизимда олиб борилади.

1. ТАҚИга кирувчилардан аризалар қуйидаги муддатларда қабул қилинади.
Кундузги таълимга — 25 июндан 31 июлгача.
ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълимга — 10 июндан 11 июлгача.
2. ТАҚИга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни аризага қўшиб тақдим этишлари керак: ўрта ёки олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асл нусҳаси), 086/Ў шаклдаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчиларнинг аризасига қўшимча иш жойидан маълумотнома (иш фаолиятига эга бўлганларга меҳнат дафтарчасидан кўчирма) бўлиши керак.

3. Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: кундузги таълимга — 1 августдан; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълимга — 13 июлдан бошлаб.

4. Тошкент архитектура-қурилиш олий билимгоҳида мамлакатимиз ёшларини талабаликка ўтказиш кириш имтиҳонларида олинган баҳоларининг жами бўйича танлов (конкурс) асосида амалга оширилади.

ТАҚИ тайёрлов бўлимини тугатган тингловчилар битирув имтиҳонларида олган баҳоларининг жами бўйича танлов (конкурс) асосида талабаликка ўтказилади.

5. Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олган қуйидаги шахслар танловдан ташқари қабул қилинади:
— ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзларга эга эканлиги тўғрисидаги ҳужжат билан заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар;
— етимлар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
— олий ўқув юртида ўқиши мумкинлиги тўғрисидаги шифокорлар меҳнат-эксперт ҳайъатларининг хулоса ҳужжатига эга бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

Кундузги таълимга тенг баллик ҳолатида қуйидагилар устунликка эга бўладилар:
— ташкилот, муассаса, корхоналардан ўқишни қоплаш маблағини ўтказиш ҳақидаги шартномага эга бўлганлар;
— танланган мутахасислик бўйича ҳунар-техника таълимига эга бўлганлар;
— ёзма имтиҳон ишларининг ички баллар жами энг юқори бўлганлар;
— ТАҚИ тайёрлов бўлимини тугатганлар;
— танланган мутахассислик соҳаси бўйича иш фаолиятига эга бўлганлар. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълимга қабул қилишда тенг баллик қуйидаги шахслар устунлик ҳуқуқига эгадир:
— танланган мутахассислик соҳаси бўйича камида бир йил ишлаганлар;
— охирги уч йил мобайнида заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар;
— танланган мутахассислик соҳаси бўйича ўрта махсус ва ҳунар техника билим юртини тамомлаганлар;
— катта иш фаолиятига эга шахслар.

6. ТАҚИнинг «Архитектура», «Ташвиқот ва рекламанинг тасвирий воситалари», «Шаҳар, қишлоқ ва боғ ансамбларини архитектуравий адабий лойиҳалаш» мутахасликларига кириш имтиҳонлари; «Расм», «Чизмачилик», «Математика» (ёзма), «Онатили» (ёзма) бўлиб, «Расм», «Чизмачилик», соҳага оид (конкурсли) беш баллик системада, «Математика»дан имтиҳон икки баллик «ўтди» ва «ўтмади» тарзида баҳоланади.

Бошқа мутахассисликка кирувчиларга (муҳандис-иқтисодиётчилик ва техникавий) «Математика» (ёзма), «Физика» (ёзма), «Онатили» (ёзма), фанларидан имтиҳон белгиланиб, «Математика» ва «Физика» соҳага оид (танловли) имтиҳон деб беш баллик тизимда баҳоланади.

«Она тили»дан имтиҳон ТАҚИнинг ҳамма мутахассисликларида диктант шаклида ўтказилиб, беш балли тизимда баҳоланади.

Институтга кирувчилар кириш имтиҳонларини ўзбек (Қорақалпоғистон республикаси учун — қорақалпоқ) ва рус тилларида топширишлари мумкин.

7. Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртларини ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло дипломлар билан битирган ва кундузги бўлимнинг «Архитектура», «Ташвиқот ва рекламанинг тасвирий воситалари», «Шаҳар, қишлоқ ва боғ ансамбларини архитектуравий бадиий лойиҳалаш» мутахассисликларига кирувчилар биттє имтиҳон — «Расм»дан, қолган ҳамма мутахассисликка кирувчилар «Математика»дан топширадилар.

«Беш» баҳо олинган тақдирда улар бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар ва олий ўқув юртига қабул қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳо олинган тақдирда мутахассислик бўйича белгиланган қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Ўрта таълим негизида ҳунар-техника билим юртини аъло диплом билан битирган шахслар фақат ўзлари эгаллаган соҳа мутахассислигига кираётган ҳолдагина мазкур тартибга амал қилинади.

8. Жадвалда белгиланган вақтда имтиҳонга сабабсиз келмаганлар ёки «икки», «ўтмади» баҳоларини олган кирувчилар кейинги имтиҳонларга киритилмайдилар.

9. Барча кириш имтиҳонлари ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув дастурлари асосида ўтказилади.

10. ТАҚИда Ўзбекистон республикасидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг буюртмалари ҳамда бошқа мустақил давлатларнинг шартномалари асосида мақсадли қабул ташкил этилади.

Қабул ҳайъатининг манзили: 700011, Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй. Телефон: 41-13-62.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Автомобиль транспорти вазирлигига қарашли «Ўзавтоходимлари» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси республиканинг йирик шаҳарларидаги автомобиль ўқув юртларига ва уларнинг ноҳия маркази ва автотранспорт корхоналаридаги ўқув тармоқларига барча тонфадаги (В, С, Д, Е) ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1 ойдан 4,5 ойгача

Ўқиш нархи Республиканинг бошқа автомобиль ўқув юртларидаги нархларга нисбатан анча кам.

Ўқиш жараёни моддий-техника негизи яхши бўлган назарий ва амалий синфларда юқори малакали ўқитувчи ва усталар раҳбарлигида олиб борилади.

Ўқув юрти ўқишни сифатли олиб боришга кафолат беради ва ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ олишгунча шуғулланади.

«ЎЗАВТОХОДИМЛАР» ЖУМҲУРИЯТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАЪМУРИЯТИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ХИРУРГИЯ (ЖАРРОҲЛИК) ИЛМИЙ МАРКАЗИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жигар циррози жарроҳлигининг портал гипертензияси бўлими бўйича: **бўлим мудири** (тиббиёт фанлари доктори—1), **катта илмий ходим** (тиббиёт фанлари номзоди — 2), **кичик илмий ходим (2).**

Қон томирлари жарроҳлиги бўлими бўйича **катта илмий ходим** (тиббиёт фанлари номзоди— 1).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин: **700107, Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-уй.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ассоциацияси жамоаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бошқармасининг бошлиғи Муҳаммадхонов Улуғбек Хибзиддиновичга отаси

Хибзиддин Рамзиддинович МУҲАММАДХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биокимё илмгоҳи жамоаси шу илмгоҳ лабораторияси мудири профессор Т. О. Бобоевага ўғли

ОЙБЕКнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат деҳқончилик дорилфунуни раҳбарияти ва касаба уюшмаси селекция ва уруғчилик кафедрасининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор С. Р. Муҳаммадхоновга акаси

Ҳибзиддин Рамзиддинович МУҲАММАДХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Қадрдон дўстимиз Абдурауф Олимов!
Суюкли синглингиз

САЛОМАТХОНнинг

бевақт вафот этганлиги

• Умрингизни берсин, онажон!

ЧИМЁН МОМОСИ

Умринисо момо билан учрашувда она меҳрининг фарзанд учун жон фидо эканини чуқур ҳис этдик. Бу ҳис-туйғу овозларимизни титратиб, кўзларимизни намлатиб юборди. Қаранг, бир юз ўнни қоралаган, салом берсангиз зўрға алик оладиган момо, суҳбатни минг тўққиз юз қирқ биринчи йил урушга бағрини қонга тўлдириб кетиб, дом-дараксиз йўқолган ўғлидан бошлаган ҳам ўша меҳрнинг қудратидан эмасмикан? Момогинам, бизни кечирсинлар, суҳбат аввалида буни англай олмадик. «Болам, қариб, айниб қолдим», деган сўзларга ишониб, оз бўлмаса онанинг дардидан бехабар бўларканмиз.

Ҳа, унинг беш қизу, ёлғизгина Ўринбой ўғли бор эди. Шу ёлғиз ўғлонини яратганнинг ўзи ортиқ кўрдими? Ахир нега, нега ярим асрлик жудолик ўтида қоврилди момо? Болагинаси дом-дараксиз йўқолди.

Ўринбой Тоштемиров 1941 йил Олтиариқ районининг Чимён қишлоқ шўросидан урушга кетган эди. Агар ўғли ҳаёт бўлсаю, онасини кўриш унга насиб этса, онабола экан-у, қалбида меҳри-муҳаббати бўлган борики одамлар ўша кунни байрам қилажак. Тақдирнинг қанчалик инсон бошига синовлар ёғдиришини қаранг-а?! Ўринбой онасининг қорнидалигидаёқ отаси Муҳаммадтоғ ўғил фарзанд кўриш армонини ўзи билан қабрига олиб кетганди. Момо фақат ва фақат ўғли ҳақида сўзлайди. Ўринбойим ҳаёт, у тирик, тушларимда болам билан сўзлашаман, диллашаман, албатта қайтади. Кўзим тириклигида уни кўраман. Бу сўзлар кимнинг қалбини титратмайди, дейсиз...

Ҳа, Чимёнга борган киши табиат инъомларини кўриб бир ҳаяжонга тушса, момонинг дуосини олиб ўн ҳаяжонга тушади. Яна нима дейлик, нималар деб кўнглини олайлик, яна нималар деб таърифлайлик момони!

Насибанинг қўшилганини қаранг, биз Чимёнда бўлганимизда Умринисо момонинг чевараси Нафисаой бир ёшга тўлибди. Ў қизалоқни қўлига олиб, бағрига босиб, менинг умримни берсин сенга, дея қайта-қайта дуо қиладди...

Қўқон хонлигининг Россия империясига тиз чўктирилган ўша мудҳиш кунларию, замбараклар вайрон этган уйлар ўрнидаги култепалару, миллати мустамлакачилар бўйинтуруғини ечолмай хўрлигу-аламларга қанчалар ботганининг гувоҳи бўлмадими, моможонимиз!

Бир-бир санаб ўтсак, бу тарихнинг қулоғимиз эшитмаган қонли садолари сатрларга сиғмайди.

Иншоолло, мустақилликка эришдик! Миллатнинг юрагига бу кун олтин ҳарфлар билан ёзди. Мустақилликнинг шабадаси момонинг оқ рўмолини ўйнамоқда. Биз худойимнинг етказган имконидан фойдаланиб табаррук, мунис, кўзидан нуру-дур ёғилиб турган момомизнинг ўтинчини қуйидаги сатрларга битяпмиз.

Сиз қонли жангларда, жангдан сўнг момонинг ёлғизини учратгандирсиз. Агар Ўринбой ТОШТЕМИРОВни кўрган бўлсангиз дарагини Умринисо момога етказсангиз. Бир асрдан ошган онахонимизни савобларию, дуоларининг тагида қоласиз.

Зеро, рўзномамиз жаҳон кезиб, онанинг худодан ёлғиз ўтинчи фарзандини қидириб топса, қўш байрам қилайлик. Қўша-қўша байрам билан қутлагани олдингизга яна борайлик, моможоним!

Алишер ИБОДИНОВ,
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

СУРАТДА: Умринисо момо чевараси Нафиса билан.

Суратни жамоатчи мухбиримиз Маҳмуджон САНГИНОВ тасвирга туширган.

• Спорт • Спорт • Спорт

МУСОБАҚА ЯКУНИДА

● ИСПАНИЯ йўллари бўйлаб ўтказилган кўпкунлик велосипед пойгаси якунланди. Халқаро пойгада иштирок этган тошкентлик моҳир спортчи Жамолиддин Абдужабборов мутахассислар эътиборини қозонди. У тўртта босқичда астойдил курашиб маррада биринчи бўлди. Пойгачимиз умумҳисобда ҳам кучлилар даврасидан жой олди.

БИРИНЧИ УЧРАШУВДА

● БАЛАШИХА шаҳрида бейсбол бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги чемпионатининг дастлабки тур учрашувлари ўтказилди. Тошкентнинг «Осиё бургутлари» жамоаси Санкт-Петербургнинг «Невская звезда» спортчиларини қабул қилиб, 13:12 ҳисобида ғалаба қозонишди. Кеча иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● 25 — 26 МАЙ кунлари биринчи лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 9-тур ўйинлари ўтказилади. Ҳозир эса Марғилоннинг «Атласчи» футболчилари билан Тўрақўрғоннинг «Бахт» футболчилари 12 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Гулистоннинг «Шифокор» жамоаси ҳисобида 11 та очко тўпланган.

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

● «ЎРТА ОСИЁ ва Қозоғистон» кубоги учун спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мусобақада республикамиз вакиллари мукофотли ўринларни эгаллашди. Жумладан, тошкентлик Борис Заецский таяниб сакраш, ҳамда брусья, тўсин ҳамда эркин машқларни бажариш бўйича олтин медалли бўлди. Шунингдек, у мутлақ биринчиликда ҳам ғалаба қозониб, олтин медалларини бештага етказди. Ўнинг ҳамшаҳри Ҳикмат Тўхтаев кўпкураш баҳсида учинчи ўринни олди. Аёлларимиздан Ирина Панова таяниб сакраш ва эркин машқларни бажаришда олтин медаль совриндори бўлди. Унинг дугонаси Елена Пак тўсинда машқ бажариш бўйича кумуш медални қўлга киритди.

РЎЗНОМА ИЖОДКОРЛАРИ ТАШАББУСИ

Иқтисодий танглик ва бозор муносабатлари шароитида қийинчиликлар бўлиши, табиий. Тадбиркор ва ишбилармон кишилар, уларнинг режа, ғоя ва таклифларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган одамлар мушкулни осон қилиш йўлини топадилар, Ишбилармонликка кенг йўл берилаётгани ҳам шундан. Айни пайтда бу қутлуғ ҳаракатда хотин-қизларимиз ҳам фаол иштирок этишаётгани таҳсинга лойиқ бўлиб турибди.

Хоразмда «Ишбилармон аёллар клуби» ташкил этилиб, иш бошлади. Бу ерда иқтисодий қийинчиликларга хос муаммоларни ечиш, турмуш ташвишларини енгиллаштириш йўлларини излаш каби таклиф ва мулоҳазаларни биргалашиб муҳокама этиш билан чегаранилмаяпти. Қимматли фикрларни рўёбга чиқариш учун тегишли корхона, муассаса, биржа ва тижорат марказларига мурожаат этилади. «Ишбилармон аёллар клуби»га асосан кичик корхоналар очган, корхоналар, завод ва фабрикалар, мактаб ва маданият муассасаларида етакчилик қилаётган ишчан хотин-қизлар аъзо бўлишган.

— Бундай хайрли тадбир Хоразм учун зарур бўлиб, уни ташкил этиш ғоясини «Хорезмская правда» рўзномаси таҳририяти билан вилоят хотин-қизлар кенгаши илгари сурган эди, — дейди рўзнома муҳаррири ҳамда мазкур клуб раиси Ойхоним Раҳимбоева. — Ғоямиз вилоят раҳбариятига ҳам маъқул тушди. Клуб аъзоларининг дастлабки йиғилишида қилинадиган ишлар, ҳамкорлик йўллари белгилаб олинди. Албатта клубнинг асосий диққат-эътибори аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таклиф-мулоҳазаларини маъқуллаш, касб-кор маҳоратларини оширишга кўмаклашиб, тижорат ва ишбилармонлик сари йўл очишга қаратилган.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОДОБНОМА

ОТА ИЗТИРОБИ

Автобусдан тушгач, бекатдаги ўриндиқда савлат тўкиб ўтирган таниш киши диққатимни тортди. Бир зум тикилиб қолдим. У ҳам ўрнидан туриб менга яқин келди.

— Шавкат!

Ҳа, у ўша эди. Аввалгидан анча тўлишган, устидаги чет эл пальтоси бошидаги қундуз телпак уни янада салобатли кўрсатарди. Ҳайратланаётганимни кўриб, жилмайди. Тилла тиш ҳам қўйдирибди. Қучоқлашиб кўришдик. Димоғимга гуп этиб арақ ҳиди урилди, юзимга соқоли ботди. Қизиқ. Шавкат ҳеч қачон соқолини олмасдан кўчага чиқмасди...

— Хўш, ишлар қалай, ҳалиям ўша мухбирлигингда юрибсанми? — деди у истеҳзоли кулиб.

Шавкатнинг бу саволи ғашимга тегди. Лекин ўзимни босдим.

— Ўзингни қаерлардан сўрайлик?

— Сирдарёдаман. Район тайёрлов идорасида омбор мудириман. Ишлар — во! Ўша ёқдан уйландим. Хотиним магазинда ишлайди. Иккита бола кўрдик. Хуллас, зўр. Самарқандни бир томоша қилай деб келган эдим.

Унинг кўзларига боқдим ва уларда ҳамон ўша-ўша кибру ҳаво акс этиб турагдек. Қаршимда ҳамқишлоғим эмас, балки инсоний туйғуларни, фарзандлик бурчини поймол этган, ўз отаси умрига завол бўлган кимса турарди...

— Яна бир соатдан кейин поезд келади. Жўнаб кетмасам бўлмайди. Агар вақтинг бўлса учрашганимизни ювиб, бир отамлашайлик.

Анчадан бери кўришмаганлигимиз туфайли унинг раъйини қайтара олмадим. Темир йўл вокзали ресторанининг дераза ёнидаги столидан жой олдик. Шавкат чўнтагидан «Золотое руно» сигаретасини қутиси билан чиқариб, столга ташлади ва биттасини лабига эринибгина қистирди.

— Хўш нима буюрамиз?

У ўзича официанткага нималарнидир тайинлаб, буюртма берди.

Шавкат кўнгилсиз хотиралар гирдобида қолган қалбимда ўзига нисбатан қайта уйғонаётган нафратимни англаб етмас ёки билиб билмасликка оларди. Аммо у гап-сўзсиз, совуқ ўтиришимдан, саломатлигим йўқлигини баҳона қилиб ичмаётганлигимдан маъно уққандек бўлди назаримда. Дарвоқе, унинг сиркаси сув кўтармаслигини, ичи торлигини яхши билардим.

— Менга қара, сени бу ерга ўзимни томоша қилдиришга эмас, ҳамқишлоқлардек суҳбатлашишга таклиф этганман. На ейсан, на ичасан? Ҳа, биламан кўнглингда нималар кечаётганлигини, — тутоқди у. — Сен ҳам отасини ўлдирган, хотин қўйиб, хотин олган киши билан суҳбатлашиб, бир товоқдан овқат еб нима қиламан, деб ўйлаяпсан шекилли. Тўғрими?! Билиб қўй, мен сен ўйлаган одам эмасман. Ҳа, оқпадар эмасман, тушундингми?! Отамга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмаганман.

— Отамни пулга ҳам, кийимга ҳам, овқатга ҳам зориқтирмаганман. Тўғри, уни уйда ёлғиз ташлаб кетдим, касал пайтида келиб хабар ололмадим... Ишлар кўп эди. Ахир, отасини шундай тўқчилик замонда хорзор қилиб қўйган, ҳатто уйдан ҳайдаб юборган ўғиллар ҳам юрибди-ку, кўкрагини кериб, Нима учун энди мен арзимаган хатойим учун бир умр ҳаммадан дакки ейишим керак? Нега, нега, шундай бўляпти?!

— Бу саволни одамлардан отангнинг энг оғир куни да ҳамдард бўлган кишилардан сўрасанг бўларди...

— Одамлар дейсан-а? Ким улар? Уларнинг қилаётган айблари меникидан камми? Норқобил деган қўшнимизни билсанг керак. Ўша қайнисинглиси билан ўйнашиб Учқудуққа қочиб кетди. Тағин битта қўшнимиз — Турсунмурод тўртинчи марта уйланди. Кўчамизнинг бошида турадиган Хайрулла машинаси билан бир одамни уриб, майиб қилди. Аммо улар одамлар ичида гуноҳсиздек юришибди-ку? Мен эса одамларга хизмат қилдим. Юмуш билан келган бирор кишининг ҳам кўнглини қолдирган эмасман. Кўпларига бепул ҳам хизмат қилиб бердим. Бу ёғи Оқтош, у ёғи Навоийдаги шофёрлар...

Яхшиликка яхшилик қайтмас экан. Уёғини сўрасанг ана шу одамлар тагимга сув қуйишмоқчи бўлишди «Оқпадарсан, отангнинг ўлимига ёлғиз сен сабабчисан» дейишди. Одамларга бир гап тегмасин, резинкадек чўзишади. Ўшаларнинг гапи деб уйни ололмадим, ёмон отлиққа чиқдим, машинамни сотдим, райондан кетишга мажбур бўлдим. Лекин канийди шу билан отам тирилиб келса!

Шавкат кўнглини бўшатиб олгандай бир оз ҳовуридан тушди. «Ана шунақа гаплар» деди-да, рюмкадаги арақни бир кўтаришда қулт этиб ютиб юборди. Боядан бери хаёлимда чувалашиб ётган хотиралар тўфони тиниб, фикрим равшан тортди...

Холмурод амаки хотини Зумрад ая вафот этгандан сўнг ёлғиз фарзанди Шавкатга суяниб қолди. Кирса ҳам, чиқса ҳам ўғлини дуо қиларди, меросхўри борлигидан кўнгли таскин топарди. Отанинг назарида ниятлари амалга ошаётгандек эди: Шавкат ҳунари билан тезда обрў топди. Қишлоқда, ҳатто районда техника тилини ончалик биладиган йўқ эди. Ман-ман деган шофёрлар ҳам машинасининг уёқ-буёғини кўрсатиш учун Шавкатга олиб келишарди. Астасекин чўнтагига эҳтиёждан ортиқча пул кира бошлади. Аввалига у бу пулларни йиғди, сўнгра катта-катта ишлатишга ўрганди...

— Ҳа, ўшанда пулим анчагина бор эди. Лекин мен уни ҳеч кимдан тиланиб ёки ўғирлаб олмадим. Ўзим ишлаб топгандим. Бир куни қизиқ бўлди. Абдурасул бор ку, ҳамсоямиз. Ўшаникига тўйга бордим. Кимсан, қадрдон укахонимиз уйланяпти. Бир хизмат қилай дедим. Айни ўйин бошлаганда раққосага иккита йигирма беш таликдан қистирдим. Атрофдагилар чапак чалиб юборишди. Бадан яна озроқ қизигандан сўнг ўйинчига иккита элликталикдан узатиб юбордим. Ўйинчи атрофимда гирдикапалак. Ҳатто тиззамга ўтириб олди, мен билан уриштириб ичди... — дея хумор билан, кулди у. — Ўзиям зўр қиз экан-да. Нақ нақш олмадек. Тўйдан кейин танишиб олдик. Ўша куни Анораникида ётиб қолдим. Уйга бориб ҳам нима қиламан, хотиним отасиникига кетиб қолган бўлса...

Ҳаммаси ана шундан бошланди. Фарзандининг ножўя хатти-ҳаракатларини кўриб, эшитиб юрган Холмурод амаки кунларнинг бирида Шавкатга насиҳатомуз гап бошлади:

— Ўғлим худога шукур, ҳеч кимдан кам эмасмиз, лекин сенинг бу юришинг яхшиликка олиб бормайди. Ичмаган кунинг йўқ. Дуппа-дуруст шофёрлик ҳунаринг бор. Нимага керак сенга яна пул ортидан қувиш. Машинада аллақандай бемаза қизларни олиб юрадиган одат чиқарибсан...

— Ота, қўйсангиз-чи, шунақа бўлмағур гапларни. Мен кичкина бола эмасман, нима қилаётганимни ўзим яхши биламан. Иккинчидан, менинг шахсий ҳаётимга аралашмаганингиз маъқул.

— Ахир, менг қилсаям отангман, обрўйинг тушмасин дейман, — куйинди Холмурод амаки. — Болаларинг катта бўп қолди. Уларни тарбиялаш керак. Келиннинг кетиб қолганига уч ойдан ошди. Бориб олиб келай демайсан. Аёлсиз уйда барака бўлмайди, ўғлим.

Кечаги улфатчиликнинг кайфидан боши зирқираётган Шавкатнинг жазаваси тутди:

— Менга қаранг, бобой. Нима, қариб доно бўлиб қолдим деб ўйлаяпсизми? Мен бу ўткинчи дунёда одамдай яшамоқчиман, билдингизми? Бунинг учун ҳозирги замонда фақат пул керак, пул! Кетса кетибди-да ўша... Хоҳласам, эртага онаси ўпмаганидан олиб келаман.

Ўшанда ота вужуди сесканиб кетганди. Ў ниятларини барбод этаётган нопок ўғлига илк бор ачинди. Боққа умид билан эккан ниҳоли чақир тикан бўлиб ўсаётганлигини афсус-надоматлар билан ҳис этди. Лекин ғишт қолипдан кўчган эди.

Мендан садо чиқавермагач, Шавкат сигаретасини бурқситиб, сўзида давом этди:

— Отамга ёмонликни ҳеч қачон раво кўрган эмасман. Ҳурмат қилардим, пул бериб турганман. Эҳтимол Анора инжиқлик қилмаганида бирга яшайверардим. Хуллас, бобой билан чиқиша олмадик. Отамнинг эзма насиҳатлари, Аноранинг минғир-минғири жонимга тегди...

Бир куни Анора қайнотаси, ўғай ўғиллари ва нотаниш кишиларни дастурхон атрофида кўриб, дийдиёсини бошлади:

— Дунёнинг ҳисоб-китоби билан иши йўқ бу ер юткур чолнинг. Каталакдай уйида меҳмон кутишга бало борми? Нима, менинг уйим қаринДошларингга ошхонами? Овқат емай заҳарни егурлар...

Бу ҳам етмагандек эртасига ўғли билан келини кўч-кўлонларини олиб кўчиб кетишди.

Холмурод амаки бўм-бўш ҳовлида хазон фаслидаги қари қайрағоч сингари мунғайиб қолди. Ота қалбидаги изтироб ва аламлар кўп ўтмай танасидаги оғир дардга айланди. Бу дард отани тамоман оёқдан йиқитди. Кечалари ҳайҳотдек бўлиб қолган ҳовлининг ўлик сукунатидан бутун борлиғини эзган ўша дардлардан азобланар экан, у шўр пешонасидан ёлиб, юм-юм йиғлади. Ўшанда ҳам оқпадар ўғлининг йўлларига кўз тикди...

Тақдир отанинг оҳу ноласига қулоқ осмади. Холмурод амаки қалбидек бўшаб қолган мўъжазгина ҳовлисида изтироб қийноғида унсиз жон берди...

— Отам илгаридан касал эди, дўхтирга қатнаб турарди. Қаригандан сўнг ҳаммаям ўлади-да. Нима, мен уйда ўтирсам, отамни ушлаб қолармидим? Айбим — ишим кўплигидан хабар олиб туролмадим. аммо аҳволини суриштириб турардим. Нохуш хабарни эшитиб, вужудим титраб кетди. Бошяланг, оёқяланг уйга қараб чопдим. Ахир мен ёлғиз суянган тоғим — отамдан жудо бўлган эдим, отамдан!...

Аслида воқеа бошқача бўлганди.

... Тонг пайти Шавкатга отаси вафоти ҳақида хабар беришди. Бироқ унинг вужуди бу хабардан ўзи айтганидек титраб кетган эмас. Аксинча, у бепарволик билан ёмон иш бўпти, ҳозир етиб бораман, ҳамсояларга айт, майда-чуйдаларини қилаверсин, деди. Бирок эрталаб у уйга эмас, тўғри посёлка советига борди. Кўни-қўшнилар амаки ҳовлисида дод-фарёд қилишаётган пайтда Шавкат посёлка совети раиси ҳузурида эди

— Отам қазо қилди. Ёлғиз меросхўриман. Бегоналар эгалламасдан ҳовлини менга ҳужжатлаштириб бергансиз, ижарада қийналиб кетдик, — деди у.

Раис уни ҳайдаб солди.

— Йўқол кўзимдан, ифлос, виждонсиз!

Шавкат ҳеч нарса бўлмагандек бошқалар қатори отаси жанозасига келиб, кўшилиб кетди. Энг даҳшатлиси ана шундан сўнг рўй берди. Кимдир маърака оқсоқолига «ўғли келди, эга чиқсин» деб маслаҳат солди. Бошқаларнинг маслаҳати билан Шавкат латта-путта ва тобутга таёқлар топтириб келди. Жанозага келганларга тарқатиш учун пул берди. Сўнг оқсоқол ундан сўради:

— Шавкатжон, бу... қайси уйда ювганимиз маъқул?

— Оқсоқол, илтимос, шу ишни менинг уйимда қилмайлик. Кейин мен бу уйда туролмайман, ўликдан қўрқаман...

— Унақа деманг, ука, отангиз-а... Мусулмончиликка тўғри келмайди бу гапингиз. Ўят бўлади-я!

Аммо Шавкат оёғини тираб туриб олди... Кишилар юзидаги дард нафратга айланди. Отага қайғурганлар Шавкатни ич-ичидан қарғаб йиғлашди...

Шавкатнинг кейинги гаплари қулоғимга кирмади. Тасаввуримда фақат Холмурод отанинг изтиробдан хира тортган илтижоли кўзлари поймол бўлган ниятлардан эгик қапди, дард муҳр солган ажинли юзи кўринарди. Топталган сиймо бор кучини тўплаб, сўнгги имкони билан нималарнидир пичирлайди. Аммо қанча уринмайин уни эшита олмайман...

Хаёлларимни йиғиб қарасам, Шавкат ўрнида йўқ. Қаршимдаги дераза ортидан яшил вагонлар биринкетин ўта бошлади. Ўзимни енгил ҳис этдим. Поезднинг иложи борича тезроқ етишини истардим.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Армон

ҚУРОЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН

Уруш йиллари ёдимга келганда ёнма-ён жанг қилган, елкадошлик қилиб, суяган қуролдошларнинг сиймолари хаёлимдан бирма-бир ўтади. Мен ҳамиша Мусрат Абдуллаевни ифтихор билан эслайман.

«Сурхондарёнинг Жарқўрғон томонидан келганмиз», дейишни яхши кўрарди. Дороз бўйли, қотмадан келган ювошгина бу йигит русча сўзлашувни билмаганидан қийналарди. Гап орасида «заводимиз ҳам чалада», деб ҳазиллашиб қўярди. Ҳозир ҳаёт бўлса, менга ўхшаб 70 баҳорни кўргандир. Ноумид шайтон, дейишади. Урушнинг сўнгги кунларида у билан яна қайта кўришишга ваъдалашган эдик. Шу нарса ҳамон армон бўлиб қолмоқда. Сўнгги бор Севастополда кўргандим. Ўшандан бери излайман. Худо насиб этса, деб Тошкентнинг Куйбишев кўчаси, иккинчи тор йўлининг 119-уй, 7-хонасида истиқомат қилиб, дўстимдан мактуб кутиб ётибман.

С. НАЗАРОВ.

ШИФОКОР ЁРДАМГА ШОШИЛАДИ

Тошкентда очилган кўргазмада тоғларда фожиа юз берганда одамларни қутқариш учун ишлатиладиган техника ва асбоблар, авариялар ва фалокатлардан жабрланганларга ёрдам бериш учун турли машиналар, шунингдек, инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур бўлган барча воситалар билан жиҳозланган кўчма шифохона ҳамда бошқа экспонатлар намойиш қилинмоқда. Кўргазма Ўзбекистонда ўтаётган фавқулодда ҳолатларда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган анжуман доирасида ташкил этилди.

Анжуманда ўртага қўйилган муаммолар фақат бир республикага тааллуқли эмас, шу сабабли унда иштирок этиш учун Москва, Новосибирск, Донецк, Урта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистондаги регионал марказлардан олимлар, мутахассислар келдилар. Улар малакали травматологлар, нейрохирурглар, реаниматологлар ҳамда фавқулодда шароитда ишлаш учун бошқа мутахассисларни тайёрлаш масалаларини, шундай ташкилотни жиҳозлаш, фавқулодда вазиятда иш олиб борадиган бригадалар ва шифокорлар барпо этиш муаммоларини муҳокама қилдилар.

(ЎзА).

• Ҳодиса

НАЗОРАТ СУСТ БЎЛГАЧ

Шу йил Ўзбекистон райони Туманботир қишлоғида ниҳоятда қайғули ҳодиса юз берганди. «УАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси, Фарғона пахта саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси М. Юсуфжонов эҳтиётсизлик қилиб, йўлнинг чап тарафига чиқиб кетди. Натижада фалокат рўй берди. Машина бир зумда рўпарадан келаётган боғча болалари ва тарбиячисини уриб юборди. Беш бола ўша ернинг ўзидаёқ жон берди. Қолган икки бола ва тарбиячи шошилинч касалхонага ётқизилди. Тарбиячи 20 ёшли Зиёда Ғофурова касалхонада вафот этди.

Вилоят давлат автомобиль назорати ҳалокат сабабларини ўрганиш чоғида шуни аниқладиларки, давлат номери 36—79 ФЕА бўлган «УАЗ» машинаси Фарғона пахта саноати ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бўлиб, 1990 йил 232-бўйруққа асосан ҳайдовчи М. Исмоилов ҳамда бирлашма бош муҳандиси М. Юсуфжоновга бириктилган. Ҳалокат юз берган куни мазкур автомашинага йўл варақаси уларнинг иккови номига ёзилган.

Дафтарда «УАЗ»нинг масофа ўлчагичида «58438 километр» деб қайд этилган. Ҳолбуки, машина ҳодиса жойида текширилганда «57871 километр» эканлиги аниқланди. Демак, машинанинг қанча йўл босганлиги, қанча ёнилғи сарф қилганлиги назорат қилинмас экан. Бундан ташқари, М. Юсуфжонов йўл варақасини олганлиги тўғрисида дафтарга имзо ҳам чекмаган. Ўша куни қайси томонга қандай иш билан боришини ҳеч кимга айтмаган. Шунингдек, автомашинанинг гараждан чиқиб кетган вақти ҳам кўрсатилмаган. Бундан ташқари, мазкур гараждаги бошқа жуда кўп камчиликлар аниқландики, уларни бартараф этмаслик шу каби кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Эҳтиётсизлик ва назорат сустлиги туфайли катта фожиага сабаб бўлган М. Юсуфжонов устидан жиноий иш қўзғатилган, тергов олиб бориляпти.

А. АҲМЕДОВ,
Фарғона вилоят ИИБ давлат автомобиль назорати жамоатчи ходими.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 102.

индекс 64583.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.30 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.